



**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
Фойдаланиш**

Н.М.Уралова

МТТДМҚТМОИ “Мақтабгача таълим методикаси”

катта ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8133526>

ARTICLE INFO

Received: 02nd July 2023

Accepted: 08th July 2023

Online: 09th July 2023

KEY WORDS

Инновацион педагогик
технология, педагогик
технологияларни
классификацияси,
интеллект, интеллектуал
ривожлантириш,
интеллектуал
коэффициент,
интеллектуал қобилият,
диққатни кўчириш.

ABSTRACT

Ушбу мақолада мактабгача таълим ташкилотлари таълим-тарбия жараёнида шахсга йўналтирилган технологиялардан фойдаланиш орқали мактабгача таълим ёшидаги болаларда интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш мазмуни ёритиб берилган.

Мақтабгача таълим жараёнида инновацион педагогик технология бу болаларни таълим материалларини ўрганиш орқали нутқини ривожлантириш, ўз фикрини эркин баён эта олиш, ўзаро мулоқот, теварак атроф билан танишиш жараёнини янгича ташкил этишдир. Маълумки, мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришдан асосий мақсад уларни соғлом, баркамол шахс сифатида тарбиялаш ва мактаб таълимига тайёрлашдан иборатдир.

Педагогик технологияларни классификациясини келтириб ўтамиз:

- Авторитар технологиялар
- Шахсга йўналтирилган технологиялар
- Инсонпарвар шахс технологиялари
- Ҳамкорлик технологиялари
- Эркин таълим технологиялари

Авторитар технологияларида педагог – таълим-тарбия жараёнининг яккаю-ягона субъектидир. Бунда технологиялар боланинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини инобатга олмаган холда талаб ва мажбурлаш орқали амалга оширилади.



Шахсга йўналтирилган технологиялар таълим-тарбия тизими марказида бола шахси туриб, унинг ривожланиши ва табиий салоҳиятини татбиқ этиш учун қулай, бехатар ва низосиз шароитлар яратилиши кўзда тутилади.

Инсонпарвар шахс технологияларида эса болага ҳурмат ва муҳаббатни, унинг ижодий кучларига оптимистик ишончни тарғиб қилади, мажбурлашни ман этади.

Ҳамкорлик технологиялари демократизм, тенглик, бола ва педагог орасидаги ўзаро ҳамкорликни тарғиб қилади.

Эркин таълим технологиялари болага танлаш эркинлиги ва мустақиллик беришга эътибор қаратилади. Боланинг ички мотивидан келиб чиққан ҳолда, катталар таъсирисиз, ўзининг мустақил позициясини шаклланишига қаратилган.

Таълим-тарбия жараёнида болага шахс сифатида инсонийлик нуқтаи-назаридан муносабатда бўлишнинг талаби – шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар бўлса, асоси эса-дўстона муносабатдир. У қуйидагилардан иборат:

- шахсга нисбатан таълим мақсади сифатида янгича муносабат, таълим-тарбия жараёнининг шахсга йўналтирилганлиги;
- педагогик муносабатларнинг инсонийлиги, демократлаштирилганлиги;
- тўғридан-тўғри авторитар услубидан воз кечиш;
- боланинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш тамойилига янгича нуқтаи-назар;
- ижобий “Мен” –концепциясини шакллантириш.

Шахсга янгича нуқтаи назар шахс педагогик жараённинг суюъектидир, объекти эмас, шахс – таълим тизимининг мақсади, бошқа мақсадларга эришиш воситаси эмас, ҳар қандай бола истеъдодли ва олий инсоний қадриятлар шахснинг устувор хусусиятларидир.

Шахсга йўналтирилган технологиялардан фойдаланиш орқали мактабгача таълим ёшидаги болаларда интеллектуаллигини ривожлантириш ўзига хос хусусиятларга эга.

Маълумки, интеллект- (lot. “intellects” — билиш, тушуниш, идрок қилиш) — инсоннинг ақлий қобилияти, борлиқни онгда айнан акс эттириши, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилиятидир. Демак, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини интеллектуал ривожлантириш деганда, уларнинг фикрлаш, ўқиш, ўрганиш, турли масалаларни ақлан ҳал этиш, теварак-атрофни объектив англаши тушунилади.

Э. Кенделнинг ёзишича, инсоннинг интеллектуал коэффиценти (ing . “intellectual quotient”, qisqartma nomi- IQ) — унинг ақлий ривожланиш кўрсаткичлари, билим савиясидир. Test тизимлари ёрдамида болаларнинг ақлий савиясини миқдорий кўрсаткичлар орқали аниқлаш ғоясини биринчи маротоба 1903 йилда француз олими А. Вине ишлаб чиққан. Бунда ҳар бир одам ёши учун у эришган билим ва маҳорат даражаси 100 га тенг деб олинган. Мазкур кўрсаткичдан ортиқ ёки кам миқдор ақлнинг бирон-бир даража ривожланиши камолоти ёхуд орқада қолиши ҳақида ҳукм чиқариш имконини берган.

МТТлари таълим тарбия жараёнида шахсга йўналтирилган технологиялардан фойдаланиш орқали мактабгача таълим ёшидаги болаларда интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш ишлари мунтазам олиб борилиши кўзда тутилади.



Бунда дидактик топшириқлар орқали болалар диққатини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Болалар диққатининг турғунлиги, кўчувчанлиги, бўлинувчанлиги каби хусусиятларни инобатга олиб, улар ақлий ривожланишини амалга ошириш мумкин бўлади. Маълумки, мактабгача таълим ёшидаги болалар бир фаолиятда диққатини узоқ ушлай олмайдилар. Диққатни кўчириш - уни бир фаолиятдан иккинчисига ўткази олишдир. Диққатнинг бўлинувчанлиги бир вақтнинг ўзида боланинг икки ёки ундан кўпроқ нарса билан шуғуллана олишида намоён бўлади. Педагог болаларда ихтиёрий диққатни ривожлантиришга ҳаракат қилиши керак. Ихтиёрий диққат боланинг ўзи учун қизиқ бўлмаган фаолият билан шуғуллана олишини назарда тутди. Бироқ, бу болаларнинг ўз олдига мақсад қўя олишга ўргатади: бирор нарсани эслаб қолиш, ана шу мақсадни амалга ошириш воситаларини излаб топиш шулар жумласидандир.

Боланинг ривожланиши ва ижтимоий мослашини таъминловчи шахсга йўналтирилган технологияларда саҳналаштирилган ўйинларга ҳам жой ажратилди. Болага таниш воқеалар, ҳаётий мавзулар, адабий асарлар бўйича қизиқарли ўйинлар ташкил қилиш; ўзаро боғланган бир неча алоҳида ҳаракатларни ягона бир мазмунга бирлаштириш, ўйинчоқлар сонини кўпайтириш орқали ўйин фаолиятини кенгайтириш ва бойитишга ёрдам бериш ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Ўйин фаолиятининг бола ҳаётида тутган ўрни беқиёс ва у кичкинтойнинг ижодий қобилиятларини ривожлантирувчи бебеҳо восита сифатида тан олинади. Ўйин фаолияти бола ҳаётида, унинг жисмоний, руҳий, ақлий камолатга етишида муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Ўйин орқали болаларда тафаккур, тасаввур, хотира, диққат каби барча психик жараёнлар ривожланади ва атроф-муҳит ҳақидаги билими янада кенгайиб боради. Таълимий ўйинлар орқали болада мустақиллик, фаоллик, ижодкорлик масалага онгли ёндошиш малакаси шакллантириб, ўстириб борилади. Ўйин кўргазмалилик, оддийдан мураккабга ўтиш усуллари орқали олиб борилади. Тарбиячи таълимий ўйинларни ўтказиш давомида бола ҳаракатини фаоллаштиради, мустақил ҳаракат қилиш қобилиятини шакллантиради, ўйиндан тўғри фойдаланилса боланинг тафаккури, нутқи, хотираси ривожланади, яъни, ақлий тарбиясига асос солинади. Таълимий ўйинлар орқали болалар эшитиш, кўриш, сезиш аъзолари орқали турли нарсалар ва уларни яшашда ишлатиладигин материалларнинг хоссаларини, уларни бирбирига таққослашни, гуруҳларга ажратишни ўрганадилар. Ўйинлар боланинг ташаббуси билан юзага келадиган эркин ва мустақил фаолият бўлганлиги учун ҳам ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг энг самарали усулидир. Ўйин жараёнида бола шахси тўлиғича: унинг билиш жараёнлари, иродаси, ҳиссиёти, эмоциялари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари жалб қилинади. Натижада, бола шахсида ҳайратланарли ўзгаришлар рўй беради.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларда интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш учун ўйинлардан фойдаланиш самарали натижалар беради. Чунки, мактабгача таълимда ўйин-боланинг асосий фаолият тури ҳисобланади. Мактабгача таълимда боланинг ҳаракат қобилиятлари ва психик жараёнларни мажмуали ривожлантириш вазифасининг амалга оширилишини мақсимал даражада таъминлашини инобатга олиб, ўзгарувчан ўйинлар мажмуаларини ишлаб чиқиш,



уларнинг мазмуни, ҳаракат дастурларини шакллантириш ва алмаштиришга йўналтириш муҳимдир. Болаларда сенсор ва мотор таркибий қисмлар, уларнинг тизимидаги турли сатҳлари орасида ўзаро таъсир юзага келишини инобатга олиб, янги ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш муҳимлиги тажриба мобайнида ишлаб чиқилган тавсияларда ўз аксини топди.

Боланинг ривожланиши ва ижтимоий мослашишини таъминловчи шахсга йўналтирилган технологиялар сирасига биринчидан, интеллектуал ривожлантирувчи педагогик ўйинлар махсус топшириқлар мажмуасидан иборат бўлди. Иккинчидан, ўйин фаолиятидаги топшириқлар рангли кублар, ғиштчалар, квадратлар, пластилин, картон қоғозлар, конструктор-механик мажмуаларида турли орнамент, расм ва жимжимадор предметлар воситасида амалга оширилди. Учинчидан, топшириқлар мустақил бажарилишини таъминлаш мақсадида уларни осондан қийинга томон, аниқ вақт оралиғида сифатли бажарилиши таъминланди.

References:

1. Ш.М.Мирзиёевнинг Давлат мустақиллигининг 26-йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. 31.08.2017 йил. Тошкент шаҳри
2. Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари (2 китоб).—Т.: ТДПУ, 2010
3. Кандель Э. Р. Век самопознания. Поиски бессознательного в искусстве и науке с начала XX века до наших дней / Пер. с англ. П. Петрова. — М.: Астрель; [Corpus](#), 2016. — 720 с. — (Серия «Элементы»). — [ISBN 978-5-17-085501-8](#).
4. Тудиева М.Ж. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг инновацион методлари. Услубий қўлланма. Бухоро:Дурдона 2021.
5. F.R.Valiyeva ACTORS FOR IMPROVING THE ADMINISTRATIVE SYSTEM IN IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION// Senior Teacher At International School Of Finance Technology And Science Pf F . D. (Phd) , Associate Professor <https://doi.org/10.5281/zenodo.8036449>
6. Ф.Р. Валиева The importance of educational content in preparation of competative personnels// 2nd International Conference BRIDGE TO SCIENCE: RESEARCH WORKS San Francisco, USA February 28, 2018